

**Москва ва Бутун Рус патриархи КИРИЛЛнинг архипастирлар, пастирлар,
диаконлар, роҳиблар ва Рус Православ Черковининг барча содик
фарзандларига**

Рождество хабарномаси

**Яратганнинг севикли архипастирлари, ҳақиқатгўй пресвитер ва
диаконлари, художўй роҳиб ва роҳибалар, азиз биродарлар ва опа-
сингиллар!**

Муқаддас учликдаги улуғвор Худога ҳамду санолар айтиб, барчангиз билан ҳозирги байрам қувончини баҳам кўрар эканман, Россияда ҳам, Москва Патриархияси раҳнамолигидаги бошқа мамлакатларда яшовчи черковимизнинг православ фарзандрига мурожаат қиламан! Сизни Масихнинг туғилиши–Яратувчининг ўз ижодига бўлган муҳаббати байрами, Худо ўғлининг ерга қайтиши ваъдасини бажариши, нажот ва абадий ҳаётга умид байрами билан чин дилдан табриклайман.

Бугун буюк ва улуғвор мўжиза содир бўлади: бокира қизнинг кўзи ёрийди: Муқаддас сўзлар ижобат бўлади. Фаршталар ва роҳиблар уни улуғлайди, биз эса Худога ҳамдлар бўлсин ва дунёда тинчлик бўлсин,- дея ҳитоб қиламиз (байрам кўшиғи). Шундай сўзлар билан Масихнинг черкови икки минг йил олдин Байтлаҳм ғорида содир бўлган ва дунё тарихининг кейинги йўналишини ўзгартирган сирли воқеадан далолат беради. Инсон онги учун англаш қийин бўлган нажот ҳақидаги илоҳий ғоянинг олдида ҳайрат ва эҳтиром билан қалбимизни топширамиз. Яратувчи ва ҳунарманднинг ушбу тухфасини миннатдорчилик билан қабул қилар эканмиз, *биз иноятни тан оламиз, раҳм-шафқатни тарғиб қиламиз, эзгу амаллар билан намуна бўламиз* (буюк агиасма ибодати).

Биз, XXI аср насронийлари, Худонинг бу чинакам бебаҳо марҳаматига эришиш ва *олам яратилганидан буён тайёрлаб қўйилган Шоҳлигига* (Матто 25, 34) сазовор бўлиш учун нима қилишимиз керак?

Ҳаётимизда қила оладиган ва қилишимиз керак бўлгани-бу унинг муҳаббатига шундай жавоб беришдир. Бу Худога ишониш ва унга ўзини тўлиқ бахшида қилиш, хушхабар амрларини бажариш, ёвузликдан қочиш ва яхшилик қилиш (Забур 33, 15), Нажоткорнинг чақирғига биноан дунёнинг нури ва ернинг тузи (Матто 5, 13-14) бўлиш демакдир.

Эркин ирода ва танлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар қандай инсон Масихни қабул қилиши ёки рад этиши, олам нури тарафида бўлиши ёки гуноҳ зулматига тушиши, виждон амри билан ёки бу дунёнинг захматларига ўралиб яшаши (Гал. 2, 8), эзгу амаллар орқали ўз қалбида жаннат яратиши, ёки аксинча, ёмонлик қилиб, ер юзида дўзах азобини бошдан кечириш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ҳар биримиз қувончли ва тўлақонли ҳаётга, содда қилиб айтганда, бахтга чақирилганмиз. Шунинг англаш ва тушуниш муҳимки, Худосиз бунинг имкони йўқ, чунки у ҳаёт ва барча неъматлар манбаи, у яратувчи ва ҳунарманд, меҳрибон ота, бизнинг ғамхўр ёрдамчимиз ва ҳомийимиздир. Мустақил иродага

эга инсон ҳаётни танлаши ва Худога ўхшашликка эришиши мумкин. Аммо у ўлимга олиб келадиган бошқа, худосиз ва тубан ҳаётни танлашда ҳам эркиндир.

Шунинг учун яратган Раббий бизнинг иштирокимизсиз бизни қутқармайди. *Худонинг эзгу ва мукаммал иродаси* (Рим. 12, 2), номукаммал бўлса ҳам, лекин яхшиликка интиладиган инсоннинг иродаси билан уйғунлашиб бизнинг ер юзидаги синовлардан муваффақиятли ўтишимизнинг калити бўлади. Охир оқибат, ҳар бир инсоннинг ер юзидаги ҳаётда унга хос бўлган руҳий ҳолатининг давоми унинг абадий тақдиридир.

Буни ёдда тутган ҳолда, ҳаворий Бутруснинг таъбири билан айтганда, *муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр–тоқат, меҳрибонлик, эзгулик, ишонч, мулойимлик ва ўзини тута билиш* (Гал 5, 22-23) ҳамда Руҳнинг бошқа инъомларини олишга интилноғимиз лозим. Биз нафақат номимиз билан, балки турмуш тарзимиз, қариндошларимиз ва дўстларимизга, ҳамкасбларимиз га бўлган муносабатимиз, ҳамдардликимизга ва қўллаб-қувватлашимизга муҳтож бўлган ҳар бир кишига нисбатан насроний бўлиб қолишимиз учун қўлимиздан келганини қиламиз.

Барча кунларда, асосийси, мазкур муқаддас байрамда биз бутун дунё тинчлиги ва Худонинг Муқаддас черковларининг фаровонлиги, азоб чекаётганлар, дилпоралар ҳолати, асирга олинганлар ва уларни қутқариш учун астойдил ибодат қилишга чақирилганмиз. Ушбу муножотларнинг аҳамияти ҳозирда жуда долзарбдир, чунки ёвузлик, ихтилоф ва низо уруғини сочувчи кучлар православликка қарши курашмоқдалар. Улар адоват ва нафрат уруғини сочиб, ўзларининг ҳийла-найранглари амалга ошириш учун ҳар қандай воситадан фойдаланадилар. Аммо биз Худонинг кучи билан *жинлар ва уларнинг кирдикорлари* мағлуб бўлишига ишонамиз ва умид қиламиз. Ўтмишда бир неча бор бундай бўлган, ҳозир ҳам шундай бўлади. Черковнинг кўп асрлик тажрибаси бизни бунга ишонтиради.

Мен ҳозир Украина ҳудудида руҳонийлик хизматини адо қилаётган, баъзида ҳаёти ва соғлиғини хатарга қўйса-да, православликка содиқ қолишни давом эттирадиган, тавба қилиш йўлидан кўркмасдан юрадиган, Масих ва Черков учун ҳақорат ва қайғуларга дучор бўлган ҳар бир кишига алоҳида миннатдорчилик билдираман. Раббий бундай жасур ва мард ҳақиқат ҳимоячиларига синовларда ёрдам берсин ва уларнинг азобларини бахтиёрликка айлантисин.

Нима бўлишидан қатъий назар, биз руҳан бирмиз. Биз бир сувда чўқинтирилганимиз учун ҳам якдилмиз. Биз биргаликда Ягона, Муқаддас Собор ва Ҳаворийлар черковининг тўлиқ ҳолда ифода этамиз. Биз бирмиз, чунки Масих муҳаббатининг узилмас ришталари билан боғланганмиз. Биз бирмиз, чунки Нажоткорнинг сўзлари ўзгармасдир: "*Мен ҳар доим, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан*" (Матто 28, 20). Шунинг учун биз масихийлар ҳеч кимдан кўркмаймиз, ҳаворий Бутрус бизга қуйидагиларни эслатиб туради: "*Худо биз томон бўлса, ким бизга қарши чиқар экан?*" (Рим. 8, 31). Ушбу ваъдадан илҳомланиб, биз Раббимиз номи билан яшаймиз, курашамиз ва ғалаба қозонамиз, чунки муқаддас ҳаворий Бутрус ёзганидек, "*Нажот бошқа ҳеч кимдан келмайди. Унинг номи — бутун оламда нажот берадиган ягона номдир.*"

(Ҳаворийлар 4, 12). Бўлмаган, йўқ ва бўлмайти ҳам, Черков бунга гувоҳлик беради.

Раббийнинг ерга тушиши давридан бери ва ҳозиргача барча имонлиларга Самовий Отанинг фарзандлари бўлиш имконияти берилди, чунки муқаддас ҳаворий Бутрус таъкидлаганидек, *биз энди Худога бегона эмасмиз* (Эфес 2, 19). Бу шуни англатадики, биз ҳаммамиз унинг фарзандларимиз, унда ва у орқали бир – биримизга яқин ва муштаракмиз.

Инсоннинг ўз Яратувчиси билан учрашадиган жойи бўлган Черков ибодатлари ва руҳонийлари воситасида бизга абадийлик пардаси очилади. Муқаддас битикнинг сўзларига кўра, Ер юзида *Худо ҳамма нарсада мужассам бўлади* (1 Кор. 15, 28), ҳеч ким ва ҳеч нарса бизни *Худонинг меҳр-муҳаббатидан* (Рим. 8, 39), у билан мулоқот қилиш қувончидан *жудо қилолмайди*, *Худо инсон кўзларидаги ҳар қандай кўз ёшини артиб ташлайди, ўлим бўлмайди, чунки аввалги ҳамма изтироблар чекинади* (Ваҳ. 21, 4).

Нажоткорнинг дунёга келиши ҳақида одамларга хушхабарни эълон қилар экан, Черков, ўз боласини севадиган она сингари, барчани Масихга ишонишга ва абадий бахтнинг меросхўрлари бўлиш учун унинг аҳдига биноан яшашга чақиради. Дарҳақиқат, Раббий бизни жаннатга олиб кириш учун ерга қайтди. У ҳар доим одамларни хушхабар амрларини бажариш, инсон ва Худонинг ихтиёрий ҳамкорлиги, Черков маросимларида келтириладиган ваъзларни тарғиб қилиш орқали эришиладиган маънавий ва ахлоқий покланиш йўлига эргашишга таклиф қилади.

Агар одамлар билан муносабатларда, кундалик ишларда ва ташвишларда биз илоҳий қоидаларга амал қилишни ўргансак, унда нафақат бизда, балки атрофимизда ҳам кўп нарса ўзгаради: ҳаёт ҳақиқий маъно касб этади, ҳақиқий қувонч ва бахтга тўлади.

Насронийлик унвони ва мақомига лойиқ бўлайлик. Биз ҳаёт йўлидан қатъий ишонч ва юқоридан ёрдам берилишига чексиз умид билан борамиз, ҳар бир янги кундан ва яхши амаллар қилиш имкониятидан хурсанд бўламиз, яқинларимизни севамиз, *ҳар доим, ҳар бир нарса учун Раббимизга шукрона келтирамиз* (Эфес 5, 20). Ҳар қандай шон-шараф ва ибодат абадул абад унгагина хос. Омин.

Барчангизнинг байрамингиз муборак бўлсин, азизларим, Масих Рождествоси муборак бўлсин!

С праздником всех вас, мои дорогие, с Рождеством Христовым!

МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИ

Масих Рождествоси

2024/2025йил

Москва ш.